



## Таржимон Алоуддин Мансур билан мулокот

“Олим ёки толиби илм, олимларни тингловчи ёки илмни суювчи бўлинг. Илмнинг душмани бўлишдан сакланинг, акс холда халок бўласиз, - дегандилар пайгамбаримиз Мухаммад Саллоплохи алайхи вассалом. Худди шунингдек инсон хар канча шаккок бўлмасин, вужудида яратганга иймон келтириш хисси борлигини доимо сезади. Бу туйгусиз у халок бўлишини хам билади. Энг муҳими бу туйгуни йўқота олиш инсоннинг кўлидан келмайди. Пайгамбаримиз самога бокиб, ”шундай анвар юлдузларни яратиб кўйган оллохга нега одамлар иймон келтирмайдилар-а, - дея йиглаган эканлар. Юлдузларни одамлар йўкотолмаганлариdek, калбларидағи оллохга бўлган иймонни хам йўкотаолмайдилар. Факат, бугунги куннинг фожеаси биз ўз кўнглимиздаги иймонга эътиборсиз бўлиб колган эдик.

Лекин, мана XX аср сўнггида хаётимизда буюк воеа юз берди. Куръони Карим исломшунос олим Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига ўгирilmokda. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси кошидаги бадиий таржима ва адабий алокалар Марказига домла билан таниширишларини илтимос килиб мурожаат этган дўстларимиз истаги баҳонасида сиз азиз муштариylаримизга домла Алоуддин Мансур билан курган сұхбатимизни тақдим килмоқдамиз.

**-□□□ Алоуддин ака, мана “Шарқ юлдузи” журналида Куръони Карим илк марта хозирги ўзбек тилида сизнинг таржимангизда эълон килина бошлади. Сұхбатимиз аввалида журналхонларимизга шу мукаддас китоб ва унинг таржимаси хакида маълумот берсангиз.**

- Бисмиллохиррахмониррахим. Аввало Куръонни факат бир адабий асар деб караш тўгри эмас. Бу илохий Китоб Тангрининг борлигига иймон келтирган кишига биринчидан Яратганинг кандай зот эканини танитади, сўнгра инсонга инсоннинг ким эканини, бу дунёга нима учун келганини, зиммасида кандай вазифалар борлигини ва яратган билан кандай алоқа боялаши кераклиги, ўзи каби яралганлар, яъни атрофидаги олам билан кандай муомала килиши лозимлиги... киска килиб айтганда кандай килиб, инсон ўзининг нисбатан киска умрини хакикий инсондай яшashi зарурлигини ўргатади. Шунинг учун хам бу Китоб мана 1400 йилдирки, дунёning хамма томонларида тиловат килиниб келмоқда. Жаҳонда уни ўқимаган миллат, У таржима килинмаган тил йўқ хисоби. Бизнинг аждодларимиз хам уни яхши билишган, ўкиб амал килишган. Лекин афсуски неча ўн йилардан буён халкимиз бу илохий асардан бебахра яшади. Унинг на ўзини, на таржима тафсирларини ўкиш имкониятига эга бўлди.

Хайрит бугунга келиб шоир айтмоқчи:

Шукрким, ўтди жаҳолат даври, уйғонди жаҳон.  
Эл әшитгай нени билсанг айт, хакикатдан гапир.

Мана энди бу азиз Китоб билан ўз она тилимизда учрашиш имкони тугилди. Шу боисдан мен Куръонни ўзбек тилига таржима килиш тўғрисидаги таклифни бажонидил кабул килиб, баҳоли кудрат бу муборак ишга киришдим. Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб кўнглимдаги бир гапни айтмокчиман: Куръонни ким томонидан кайси тилга таржима килинmasин унинг аслидек бўлмаслиги аниқдир. Чунки ундағи хар бир оят, хар бир калима, балки хар бир харф шу кадар топиб айтилиб, ўз ўрнига кўйилганки, бундай айтиш факат Яратганинг кўлидан келади, холос. Бу даъвойимизга Куръон нозил бўлган даврда юз берган бир воеа далил бўлса керак: Мухаммад алайхиссалом замонларида араб оламида адабиёт нихоят даражада ривожланган бўлиб, адиблар орасида тез-тез мусобакалар ўтказилиб турилар ва голибларнинг асарларини Каъба деворларига илиб кўйишар эди. Кунлардан бир куни сахоба (яъни, пайгамбаримиз билан ҳамсуҳбат бўлган мусулмон)лардан бири Куръондаги энг кичик сура бўлган “Кавсар” сураси ёзилган варакни голиб асарлар ёнига илиб кўяди. Шунда бу сурани ўкиган шоирлар бир овоздан “Бу башар сўзи эмас”, деб гувоҳлик берадилар. Шунинг учун уламолар Куръонни аслидек килиб таржима килиш мумкин деб хисоблайдилар. Мен хам Куръоннинг ўзбекча таржимаси факат Куръон томонга бир кадам деб баҳоланиши лозим деб биламан.

**-□□□ Домла, боя “... неча ўн йилардан буён ҳалкимиз бу илохий асардан бебахра яшади” дедингиз. Менимча ҳалкимиз XVШ –XIX асрларда хам бу Китобга тўлик амал килмаганлиги туфайли зулм остида колди. Энди эса жабр чека-чека бу Китобнинг кадрини англамокда. “Биз Куръонни туширдик ва уни саклагаймиз” ояти худди ушбу вазиятга мос эмасми?**

Дарҳакиат Куръонда “Бу эслатмани (яъни Куръонни) Биз ўзимиз туширганмиз ва уни ўзимиз саклагувчимиз” мазмунидаги оят мавжуд. Асрлар оша мазкур оят Куръоннинг илохий Китоб эканини кайта-кайта исботлаб келмокда. Ўтмишни кўйиб турайлик, мана шу охирги асрда бу азиз Китобга карши канчадан-канча хуружлар бўлмади? Уни ўтга ёқдилар, дарёларга оқиздилар, кабрларга кўмдилар. Бугина эмас. Яна Куръонни ёд олган, ёки хаётини шу илохий китоб асосида ўтказмокни истаган миллионлаб кишиларни ўқотиб юборишиди. Кейинчи? Кейин бошка миллионлар кўлларида, тилларида ва дилларида бир харфи хам захаланмаган шу азиз Китоб билан пайдо бўлдилар. Ислом таълимотига кўра Куръон илохий китобларнинг сўнггисидир. Бинобарин уни то киёматгача йўқотмай, бузмай саклашни Тангри ўз зиммасига олган. Шу боисдан бошка илохий китобларга ўзгаришлар кириб, бузилгани холда (масалан, Инжилнинг 78 дан ортиқ таржималари бор, лекин асл нусхаси хеч каерда мавжуд эмас) Куръон пайгамбар алайхиссаломга кандай нозил килинган бўлса шундай сакланмокда. Бу тўгрида япон олимлари жуда кизик тажриба ўтказдилар:

XX – аср мўъжизаси бўлган компьютер воситасида Куръондаги харфлар, калималар, оятлар ва суралар ўртасидаги юксак мутаносибликни ва теран изчилликни, хамда унда камраб олинган мавзулар ва амри-фармонларнинг ўлмас-ўчмас эканини кўриб улар бу китобни бир киши эмас, бутун бир академия хам ёзиши амри-маҳол деган хulosага келганлар ва бу тажриба хакида битилган рисолаларида адолатли бир фаразни ўртага ташлаганлар: “Бизнинг асримизнинг одамлари шу кадар тошбагир бўлиб кетганларки, хатто төмір машина текшириб, исботлаб, иймон келтириб турган китобни хам инкор

киладилар”.

-**Домла, менимча техника бизнинг маънавий инкирозимиз хосиласи сифатида юзага келди. Техника аста-секин хаммани ўзига жалб этиб, характерларимизни, калбимизни темирлаштира борди. Биз иймон-эътикоддан биринчи бор чекинганимиздан сўнг, чекинишга журъат топаолмаганимиздан сўнг унинг ахамиятини унута бордик. Окибатда, хатто ўша техниканинг ўзи иймон келтириб турган нарсага хам ишонмаяпмиз. Модомики гап иймон-эътикодга келиб тўхтаётган экан, келинг шу хакда батафсилрок гаплашайлик.**

- Эътикод кўнгил ободлиги, балки хар икки дунёнинг ободлигидир. Зотан илму-фан равнакининг ўзи инсониятни бахтли килаолмайди. Бильякс эътикоддан айру тушган илм одамзодни бахтсизлик – халокат ёкасига олиб бориб кўйиши тайниндир. Дунёдаги бор илму-фалсафалар аклни тўлдиради, аммо кўнгилга озука беришга кодир эмас. Дилни факат пок эътикод обод килади. Яъни эътикодсиз дил-хароб бўлган дилдир. Инсоннинг зиммасида аклидан кўра калбининг хакки кўпроқдир. Инсоннинг тириклигини билдириб турадиган нарса хам унинг калбидир. Зеро сиз дам олганингизда миянгиз хам дам олади. Уни баъзан каттикрок, баъзан эса секинрок ишлатишингиз мумкин. Аммо бу беором калб дунёга келганингиздан кетгунингизча билсангиз-бilmасангиз, истасангиз-истамасангиз тинмасдан уриб-ишлаб туради. Демак ИНСОН деган оламнинг маркази - пойтахти калб бўлиб, уни пок эътикод билан обод килмок бурчдир. Ажабки, эътикод нопок дилларга сигмайди – худди шўр ерда гул унмагандек! Ажабки кўпинча ўша шўр диллар тоза кўнгиллар устидан, уларнинг эътикодлари устидан куладилар – эътикодсизлик эътикоддан устун бўлиб олади. Лекин шундай кора кунларда хам юксак эътикод эгалари иймон-эътикодсиз яшагандан кўра ўз эътикодлари йўлида курбон бўлишни шараф деб биладилар. Бунга тарихдан истаганча мисол топиш мумкин. Мана масалан Октябрь инкилобидан кейинги сургун ва киргилларда канчадан-канча улуг зотлар ўз эътикодлари сабабли шахид бўлдилар. Кўконлик бир фозил мўйсафиднинг хикояси орадан ўн беш йилдан ортиқ вакт ўтса хам кечагидек кулогим остида эшитилаверади: 20-йилларда солдатлар кунда-кунора уламо ва фузалоларни шахар четидаги бир жарлик ёкасига олиб-келиб отишар, улар кетганидан кейин, одамлар кўрка-писа келишиб шахидларни чукурдан тортиб чикиб кабристонга олиб бориб кўмишар эди. Биз болалар пана-пасткам жойларга яшириниб бу даҳшатни томоша килардик. Бир куни уч-тўрт кишини олиб келишиб, комадир энди отишга буйрук бермокчи бўлиб турганида узокдан бир киши кўринди ва шошиб шу тарафга караб кела бошлади. Афтидан кўконликка ўхшамас эди. Якин келгач жар ёкасига тизиб кўйилган кишиларни кўрсатиб солдатлардан “Булар кимлар”? – деб сўради. Командир “Булар рухоний, диндор унсурлар бўлгани учун отувга хукм килингандар. Агар жонингдан умидинг бўлса йўлингдан колма” деб дўк-пўписа билан жавоб килди. Шунда халиги киши, “Ундан бўлса шошмай туринглар” – деб ўзи хам жар ёкасига, маҳбуслар ёнига бориб турди ва деди, - Мана энди отинглар. Сал кечиксам мен хам булар билан бирга кетмай, сенлар билан коларканман”.

Мухаммаджон, мана шу хикояни эшитганимдан бўён буюк туркигўй адиллар – Абдуллоҳ Кодирий, Абдулхамид Чўлпонларнинг ўлими хакида ўйлайман, уларнинг ночор, ноилож ўлиб кетганлар деган фикри хеч кабул кила олмайман. Назаримда улар ўзгалар тирик колиш учун хар кандай разолатдан кайтмаётганларини кўриб турсаларда эътикоддан кечиб яшайдиган хаётни ўз ихтиёрлари билан ташлаб, пок эътикод билан шахид бўлишни ўз ихтиёрлари билан танлаб олганлар. Ва адашмаганлар. Зотан бу хаёт накадар ширин, накадар тотли бўлмасин эътикоддан кечиб яшашга арзийдиган даражада кийматбаҳо

эмас.

**-□□□ Демак инсоннинг жасади ердан-тупрокдан бўлиб, жони осмондан-рухлар оламидан тушиб жасадга кирганэкан-да?**

- Ха, ха шунинг учун хам оёги ердан узилган одам жисман халок бўлса, калби осмондан узилган одам – эътиқодан кечган одам рухан халок бўлади. Хакикий осмондан ажраб колган одам назаримда иссикхонада – сохта осмон остида ўстирилган ўсимликка ўхшайди – на мазаси бор, на хиди. Чунки жон инсоннинг хеч качон ўлмайдиган асли-моҳияти, жasad эса бир муддат кийиб юрилиб, эскириб, яроксиз холга тушгач ечиб кўйиладиган кийим каби нарсадир. Шунинг учун хам баданингизнинг бирон аъзоси касалланса, кесилса ё шилинса ўша аъзо эмас, балки жонингиз огрийди. Мана шу аён хакикатдан кўз юмган киши адашади.

Менимча кейинги пайтларда хусусан аёллар ўртасида кўпайган арзир-арзимас баҳоналар илан ўз-ўзини халок килиш каби бемаъни одатлар хам мана шу хакикатни – жон абадийлигини англамасликдан келиб чикмокда. Хаксизлик азобидан, айrim холларда эса шармандалиқдан кутулиш учун ўзини ўлдириш, ёндириш вассасасига тушиб колган иродаси заиф опа-сингилларимиз шу килмишлари билан хаммасидан кутуламан деб ўйласалар каттик адашадилар. Чунки жасадлари куйиб кул бўлиши билан улар хеч нарсадан кутилмайдилар – жонлари куймайдиям, ёнмайдиям. Жонлари, мана шу килмишлари туфайли баттар азобга колади холос.

Хаёт накадар оғир, накадар аччик бўлмасин арзир-арзимас сабаб-баҳоналар билан кечиб юборилаверадиган даражада арzon матоҳ эмас!

Киссадан хисса шуки, пок эътиқод кишини диёнатсиз яшашдан саклагани каби, арзимас сабаблар билан ўзини халок килишдан – ўз жонига жабр килишдан хам саклайди.

**-□□□ Мусулмон одам хар кандай холатда ўз жонига суикасд килиши энг катта гуноҳ экан, инсон хур бўлиши, факат оллоҳдангина кўркиши ва унгагина сажда килиши лозим экан, унда сўфийларимизнинг “Ўнг юзингга урсалар чап юзинг тут” деган жумласининг маъноси нима?**

- Бу гап аслида Ийсо пайгамбарнинг гапларирию Зотан христиан дини асосан тарки дунё килишга, яъни зоҳидлик ва роҳибликка даъват килади. Буга Ийсонинг шахсий хаётлари – уй-жой, бола-чака килмай ўтганлари хам яхши далилдир. Сиз юкорида келтирган жумладан хам шу максад кўзда тутилган: Агар дунё ахли сени уриб, озор берсалар сен уларга каршилик кўрсатиб кимматли вактингни кеткизмасдан ибодатингта машгул бўлавер. Чунки бу дунё адолат истайдиган жой эмас.

Яна у зот томонидан шундай ривоят хам бор:

Ийсо хаворийларга “мол-дунё топиш харом” дедилар. Улардан бири «Нима сабабдан», - деб сўради. “Чунки мол-дунё одатда харом йўл билан топилади” деди Ийсо. – “Агар халол йўл билан топилса-чи?” – деб сўралди.

- У холда харом ишларга сарф килинади”.

**-□□□ “Агар халолдан топиб, халолга сарфланса-чи?”**

- “Барibir харом – деди Ийсо – чунки ўша халолдан топиб, халолга сарфлаб юрган вактингда Тангрига ибодат килишдан коласан”.

Ислом динида эса бу масалага кенгрок каралади. Масалан пайгамбаримиз Мухамад алайхиссалом сахобаларга шундай деганлар: “Бу дунё деб охиратидан кечган киши хам, охират деб дунёсидан кечган киши хам сизларнинг яхшингиз эмас. Балки хар иккисидан баҳрманд бўлган киши яхши кишидир”. Ислом ўша халол мөхнат билан дунё топиш ва уни халол ишларга сарф килишни муҳим ибодатлардан деб хисоблайди. Бу динда одам

Тангрининг ердаги халифаси саналиб, дунёни обод, фаровон килиш хамманинг зиммасидаги бурч деб каралади. Ислом "Дунё топиш харом эмас, балки дунёга кул бўлиб колиш харом", дейди. Шунингдек ислом бирорнинг хакидан хазар килишга буюради. Бунинг ибратли мисолларидан бири пайгамбар алайхиссалом вафот килганларида биз кўйлакларини бола-чакаларининг нафакаси учун бир яхудийга ярим коп арпага кўйиб кетганларидир. Холбуки ислом давлатининг хазинаси у пайтда олтин кумуш билан тўла эди. Аммо у зот бу хазина фукаронинг хакки деб кўл теккизмаганлар. Лекин дунёнинг ободлиги факат молу-давлат билан бўлмайди, балки бунинг учун хаётда адолат баркарор бўлиши энг муҳим шартлардан биридир.

## **МУХАММАД ИСМОИЛ**